



ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ТОМОНИДАН ЖИСМОНИЙ КУЧ ИШЛАТИШ, МАХСУС ВОСИТАЛАРНИ ВА ЎҚОТАР ҚУРОЛНИ ҚЎЛЛАШНИНГ РЕТРОСПЕКТИВ ТАХЛИЛИ

Обидов Шерзоджон
Авазхонович

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси
Магистратураси Ташкилий-тактик бошқарув
мутахассислиги тингловчиси

Annotatsiya

Мазкур мақолада Ўзбекистон ҳудудида давлатнинг хавфсизликни таъминловчи органлари томонидан жисмоний куч ишлатиш, махсус воситалар ва ўқотар қурол қўллаш институтининг шаклланиш ва ривожланиш тарихи ретроспектив таҳлил қилинган. Тадқиқот қадимги даврлардан бошлаб то бугунги кунгача бўлган бешта асосий тарихий-эволюцион босқични қамраб олади. Ҳар бир давр мажбурлов чораларини қўлловчи субъектларнинг ваколат доираси ҳамда уларнинг норматив-ҳуқуқий асослари нуқтаи назаридан тизимли ўрганилган.

Kalit so'zlar

ички ишлар органлари, маъмурий мажбурлов, жисмоний куч, махсус воситалар, ўқотар қурол, ретроспектив таҳлил, тарихий-ҳуқуқий босқичлар, ваколат доираси, норматив-ҳуқуқий асослар.

Аннотация: В данной статье проведен ретроспективный анализ истории становления и развития института применения физической силы, специальных средств и огнестрельного оружия органами, обеспечивающими безопасность государства на территории Узбекистана. Исследование охватывает пять основных историко-эволюционных этапов, начиная с древнейших времен до наших дней. Каждый период системно рассматривается с точки зрения пределов полномочий субъектов, применяющих меры принуждения, и их нормативно-правовых основ.

Ключевые слова: органы внутренних дел, административное принуждение, физическая сила, специальные средства, огнестрельное оружие, ретроспективный анализ, историко-правовые этапы, пределы полномочий, нормативно-правовые основы.

Abstract: This article provides a retrospective analysis of the history of the formation and development of the institution of the use of physical force, special means, and firearms by state security bodies in the territory of Uzbekistan. The research covers five main historical and evolutionary stages from ancient times to the present day. Each period is systematically examined in terms of the scope of authority of the subjects applying coercive measures and their normative and legal foundations.

Keywords: internal affairs bodies, administrative coercion, physical force, special means, firearms, retrospective analysis, historical and legal stages, scope of authority, normative and legal framework.

Ички ишлар органлари фаолиятида жисмоний куч, махсус воситалар ва ўқотар қуролни қўллаш институти ўз-ўзидан шаклланмаган, балки жамият ва давлатнинг эволюцион ривожланишига ҳамоҳанг тарзда узоқ тарихий йўлни босиб ўтган. Мазкур мажбурлов чораларининг бугунги кундаги назарий ва ҳуқуқий асосларини, уларнинг ҳуқуқий мезонларини чуқур англаш учун ушбу институтнинг тарихий илдизларини ретроспектив таҳлил қилиш ғоят муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади. Тарихий тажрибани ўрганиш орқали нафақат ўтмишдаги хатолардан хулоса чиқариш, балки миллий қонунчилигимизни янада такомиллаштириш учун зарур бўлган анъаналар ва ворислик тамойилларини аниқлаш мумкин. Ички ишлар органлари (ва уларнинг тарихий муқобиллари) томонидан мазкур кескин маъмурий чеклаш чораларини қўллаш амалиётини ҳуқуқий жиғҳатдан тадқиқ этиш учун, тарихий-ҳуқуқий таҳлилини *2 та мезон асосида амалга оширилиши мақсадга мувофиқ:*

Биринчидан, субъектларнинг ваколат доираси – мазкур чораларни қўллаш ҳуқуқи кимларга берилганлиги ва уларнинг хизмат ваколатлари қандай чегараланганлиги;

Иккинчидан, норматив ва ҳуқуқий асослари – куч ёки қурол ишлатиш қандай манбаларга (диний ақидалар, урф-одатлар, шариат қоидалари, хон ёрлиқлари ёки қатъий қонун ҳужжатларига) асосланганлиги;

Жисмоний куч ишлатиш, махсус воситаларни ва ўқотар қуролни қўллаш институтининг шаклланиши ва ривожланиши қуйидаги бешта асосий тарихий даврга ажратилган ҳолда тадқиқ этиш мақсадга мувофиқ:

1. Дастлабки (қадимги) давр ва илк давлатчилик босқичи.
2. Ўрта асрлар ва ўзбек хонликлари даври (VII аср – XIX аср ўрталари).
3. Чор Россияси ва Собиқ Иттифоқ даври (XIX асрнинг иккинчи ярми – 1991 йил).
4. Мустақилликнинг дастлабки даври (1991 йил – 2016 йил).
5. Замонавий ҳуқуқий ривожланиш даври (2016 йил ва ундан кейинги давр).

Ушбу даврлаштириш мазкур мажбурлов чораларининг ибтидоий шаклларида тортиб, токи бугунги кундаги инсон ҳуқуқлари устуворлигига асосланган замонавий қонунчилик тизимига бўлган эволюцион йўлини илмий асосда кузатиш имконини беради.

1-давр. Дастлабки (қадимги) давр ва илк давлатчилик босқичи.

Субъектларнинг ваколат доираси. Дастлабки давр ва илк давлатчилик босқичида мажбурлов чораларини (жисмоний куч, ибтидоий воситалар ва совуқ қуролларни) қўллаш ҳуқуқига эга бўлган субъектлар доираси ва уларнинг ваколатлари бугунгидек аниқ юридик нормалар билан эмас, балки диний ақидалар, ижтимоий табақаланиш ва жамоавий урф-одатлар билан тартибга солинган.

Бу даврда мажбурлов чораларини қўллаш ваколати асосан қуйидаги субъектлар ўртасида тақсимланган ва чегараланган:

– диний раҳнамолар ва суд вазифасини бажарувчилар (коҳинлар): «Авесто» матнларига кўра, жамиятда ҳуқуқбузарга нисбатан жазо ва мажбурлов чораларини қўллаш тўғрисидаги қарорларни бевосита диний пешволар ёки қозилар — *сраошоварезлар* (итоат эттирувчилар) қабул қилган¹. Улар ҳуқуқбузарлик даражасини баҳолаб, қанча миқдорда қамчи уриш ёки қандай жисмоний таъсир кўрсатиш кераклигини белгилаб берганлар. Яъни улар мажбурловни қонунийлаштирувчи асосий субъект бўлган.

– қабила оқсоқоллари ва ҳукмдорлар: Уруғ ва қабила бошлиқлари (*виспат, дахюпатлар*) ўз ҳудудларида тартиб ўрнатишда чекланмаган суд ва ижро ҳокимиятига эга бўлган. Улар хавфли жиноятчиларни ушлаш учун қуроли гуруҳларни йўналтириш ва жамиятни ҳимоя қилишда куч ишлатишга бевосита буйруқ бериш ваколатига эга эди.

– Ҳарбийлар (*артештарлар*) ва сарой соқчилари: Ушбу тоифа бевосита ижрочи субъектлар ҳисобланган. Уларнинг ваколатига диний ва дунёвий раҳбарларнинг буйруқларини ижро этиш, жиноят содир этган шахсларни тутиб келиш, қаршилик кўрсатганда жисмоний куч ёки совуқ қурол ишлатиш орқали уларни бўйсундириш кирган².

Гарчи ҳарбийлар ва соқчилар куч ишлатиш ваколатига эга бўлса-да, бу ваколат мутлақ ёки ўзбошимчалikka асосланмаган. Мажбурлов чоралари фақатгина жамият манфаатларига, мулкка ёки муқаддас диний қоидаларга таҳдид солингандагина амалга оширилган. Ҳарбийлар ўз ваколатларидан ташқарига чиқиб, тинч аҳолига асоссиз зарар етказса ёки диний нормаларга зид равишда куч ишлатса, уларнинг ўзлари ҳам оғир гуноҳкор сифатида қаттиқ жазоланган. Бу эса ижрочи субъектларнинг ваколатлари ахлоқий-диний мезонлар ва жамоа назорати билан қатъий чегараланганлигини кўрсатади.

Норматив ва ҳуқуқий асослар. Дастлабки (қадимги) давр ва илк давлатчилик босқичида мажбурлов чораларини, хусусан, жисмоний куч ва ибтидоий қурооларни қўллашнинг норматив-ҳуқуқий базаси бугунги кундагидек тизимлашган қонун ҳужжатларига эмас, балки диний ақидалар, кўп асрлик анъаналар ва ҳукмдорларнинг иродасига асосланган.

Бу даврда куч ишлатиш ва мажбурлов амалиётини қонунийлаштирувчи асосий манбаларни қуйидагича таснифлаш мумкин:

– *Диний матнлар ва “Авесто” нормалари:* Қадимги Марказий Осиёда давлат мажбурловининг энг асосий ёзма норматив манбаси “Авесто” бўлган. Унинг “Видевдат” (Жинларга қарши қонун) китоби ўзига хос қадимги жиноят ва жазо кодекси вазифасини ўтаган³. Унда қандай қилмишлар жамият ва табиатга (Ашага) қарши жиноят ҳисобланиши ва уларни содир этган шахсларни

¹ Авеста: Историко-литературный памятник [Текст] / Пер. с авест. И. М. Стеблин-Каменского. – СПб.: Наука, 2007. – 203 с. – Электрон ҳавола: <http://kronk.spb.ru/library/1993-m-avesta.htm>

² З. Ртвеладзе Э. В. Цивилизации, государства, культуры Центральной Азии [Текст]. – Ташкент: УМЭД, 2005. – С. 85-88. <https://protobulgarians.com/Russian%20translations/Rtveladze%20E.pdf>

³ Видевдат // Zoroastrian.ru: [Электрон ресурс]. – URL: <https://www.zoroastrian.ru/avesta/viddevdat> (мурожаат санаси: 09.06.2026).

бўйсундириш ёки жазолаш учун неча дарра (камчи) уриш кераклиги аниқ норматив тарзда белгилаб берилган. Яъни, қозилар ва ижрочиларнинг (соқчиларнинг) куч ишлатиши бевосита мана шу диний-ҳуқуқий нормаларга асосланган.

Урф-одат ҳуқуқи (Одат нормаси). Ёзма манбалар тўлиқ шаклланмаган ёки етиб бормаган чекка ҳудудларда ва кўчманчи қабилалар орасида мажбурлов чораларини қўллашнинг асосий манбаси асрлар давомида шаклланган анъаналар ва урф-одатлар бўлган. Қонга қон олиш (талон ҳуқуқи), жамоадан қувиш ёки жиноятчини тутишда жамоавий куч ишлатиш бевосита маҳаллий одат нормалари билан тартибга солинган ва бу жамият аъзолари томонидан сўзсиз тан олинган.

Ҳукмдорларнинг фармон ва қарорлари. Илк давлатлар (Хоразм, Бактрия, Қанғ) мустақамланиб бориши билан подшоҳлар ва маҳаллий ҳукмдорларнинг оғзаки буйруқлари ҳамда дастлабки ёзма ёрлиқлари олий юридик кучга эга бўла бошлади⁴. Давлатга қарши исён кўтарганларни, солиқ тўлашдан бош тортганларни ёки хавфли жиноятчиларни қурол кучи билан бостириш ва уларга нисбатан мажбурлов чораларини қўллаш тўғридан-тўғри ҳукмдорнинг амри асосида (давлатнинг куч ишлатиш монополияси сифатида) амалга оширилган.

Хулоса қилиб айтганда, бу даврда жисмоний куч ёки қурол қўллаш жараёни дунёвий юридик қонунлардан кўра кўпроқ илоҳийлаштирилган диний нормалар, қатъий урф-одатлар ва ҳукмдорнинг мутлақ ҳокимияти орқали тартибга солинган ва шулар орқали асослантирилган.

2-давр. Ўрта асрлар ва ўзбек хонликлари даври (VII аср – XIX аср ўрталари)

VII асрдан бошлаб Ислом динининг кириб келиши ва кейинчалик ҳудудда марказлашган йирик давлатларнинг вужудга келиши мажбурлов аппаратларининг тубдан институционал трансформациясига олиб келди. Бу давр Ички ишлар органлари тарихида профессионал полиция функцияларининг дастлабки нишонлари пайдо бўлган муҳим босқичдир.

Субъектларнинг ваколат доираси. Миршаблар ва шихналарнинг ваколат доираси ниҳоятда кенг ва универсал эди. Улар нафақат жиноятчиликка қарши курашиш ва жамоат тартибини сақлаш, балки солиқ тушумларини мажбуран йиғиш, ҳарбий хизматдан бўйин товлаганларни тутиш, бозорлардаги нарх-наво ва тош-тарозиларни назорат қилиш (муҳтасиблар), қозиларнинг ҳукмларини ижро этиш ва маҳкумларни зиндонларда қўриқлаш билан ҳам шуғулланганлар. Бу даврда миршаблар айбдорларни излаб топишдан тортиб, уларга жойида жисмоний жазо (масалан, дарра уриш, бозорга айлантириб савалаш) бериш ҳуқуқигача эга бўлган тўлиқ ваколатли мажбурлов органи эди.

Норматив ва ҳуқуқий асослари. Мажбурлов ва куч ишлатишнинг асосий норматив манбалари Ислом шариати қоидалари, Қуръон оятлари ва Ҳадислар, шунингдек, дунёвий қонунчилик манбалари ҳисобланган ҳукмдорларнинг (амир, хон) махсус ёрлиқлари ва фармонлари ҳисобланган. Қозилар (қозикалон, қози аскар, раис) судлов ишларини олиб бориб, шариат асосида фатволар чиқарган, миршаблар эса бу ҳукмларнинг бевосита жисмоний ижрочиси вазифасини

⁴ Сулаймонова Ф. Шарқ ва Ғарб [Матн]. – Тошкент: Ўзбекистон нашриёти, 1997. – С. 102-105.

базарган. Бу даврда замонавий маънодаги кодификация қилинган полиция қонунлари ёки куч ишлатишнинг аниқ протоколлари мавжуд эмас эди. Барча ҳаракатлар анъаналар ва шариатнинг турли талқинлари асосида бошқарилган.

3-давр. Чор Россияси ва Собик Иттифоқ даври (XIX асрнинг иккинчи ярми – 1991 йил)

Бу даврни мажбурлов аппаратининг мустамлакачилик ва мафкуравий мақсадларга хизмат қилган икки йирик тарихий босқичига (Чор Россияси ва Совет Иттифоқи даврлари) бўлиб тадқиқ этиш мақсадга мувофиқдир. Ҳар икки тузумда ҳам хавфсизлик органлари маҳаллий аҳолини назорат қилишнинг қаттиққўл марказлашган кучига айлантирилган.

Субъектларнинг ваколат доираси. Ваколатлар мисли кўрилмаган даражада кенгайтирилди ва марказлаштирилди. Чор Россияси даврида Туркистон генерал-губернатори (масалан, К.П. Кауфман, М.Г. Черняев, А.Б. Вревский кабилар) ўз қўлида ҳам ҳарбий, ҳам фуқаролик ҳокимиятини бирлаштирган эди. У бир вақтнинг ўзида подшо ноиби, қўшинлар кўмондони, Еттисув казаклари атамани, бош прокурор ва бош миршаб вазифасини ўтаган. Бу эса ҳокимиятлар бўлиниши тамойилининг мутлақо йўқлигини ва полиция аппаратининг чекланмаган ҳарбий-дискрецион ваколатларга эга эканлигини кўрсатади. Совет даврида эса 1920 йил 22 апрелдаги “Совет Ишчи-деҳқон милицияси тўғрисида низом” асосида милицияга нафақат жамоат тартибini сақлаш, балки телефон-телеграф тармоқларини, завод-фабрикаларни, ўрмон ва экинзорларни, шунингдек, қамоқхоналар ва лагерларни кўриқлашдек кенг ваколатлар берилди⁵. Куч ишлатиш ваколати совет тузумига қарши чиққан ҳар қандай субъектга нисбатан автоматик равишда юзага келган.

Норматив ва ҳуқуқий асослари. Чор даврида полиция фаолияти Россия Империясининг қонунлари, Ички ишлар вазирлиги низомлари ва энг асосийси, генерал-губернаторларнинг буйруқлари асосида тартибга солинган. Маҳаллий анъаналар ва шариат қоидалари фақатгина маиший ва оилавий низоларни ҳал қилишда (қозилар суди орқали) сақлаб қолинган, аммо жиноий ва сиёсий ишларда империя қонунлари устувор бўлган. Совет даврида куч ишлатишнинг ҳуқуқий негизини Иттифоқ ва ЎзССР Конституциялари⁶, Жиноят ва Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Иттифоқ ИИВнинг махфий ва ошқора буйруқлари ташкил этган. Бироқ бу ҳужжатларда давлат манфаатлари доимо инсон ҳуқуқларидан устун қўйилган.

4-давр. Мустақилликнинг дастлабки даври (1991 йил – 2016 йил)

1991 йилда Ўзбекистон мустақилликка эришгач, Ички ишлар органлари тизими миллий манфаатлар, давлат суверенитети ва қонун устуворлиги асосида қайта қурила бошлади. Бироқ бу босқич ўтиш даврининг мураккаб ижтимоий-иқтисодий, криминоген ва геосиёсий шароитларини ўзида акс эттирадиган тарихий жараён дир.

⁵ Одилқориев Х. Т. Давлат ва ҳуқуқ тарихи [Электрон манба]. – Тошкент: Ўзбекистон. – 174 б. – URL: <https://www.yumpu.com/xx/document/view/47065227/-x>

⁶ ЎзССР Конституция [Электрон манба] // Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг расмий веб-сайти. – URL: <https://constitution.uz/uploads/62410ec6-e3ed-2a4f-42e6-3fd12083b4af.pdf>

Субъектларнинг ваколат доираси. Ички ишлар органлари ходимларининг ваколат доираси концептуал жиҳатдан ўзгариб, уларнинг бош мақсади тоталитар давлат аппаратини эмас, балки фуқароларнинг ҳаёти, соғлиғи, эркинлиги ва мол-мулкни ҳимоя қилишга йўналтирилди. Жисмоний куч ишлатиш ва қурол қўллаш ваколати ички ишлар органларининг барча махсус унвонга эга ва аттестациядан ўтган ходимларига берилди. Ваколатлар чегараси жиноятчиликка қарши кураш, жамоат тартибини сақлаш ҳамда жазони ижро этиш муассасаларидаги маҳкумларни назорат қилиш билан чекланди.

Норматив ва ҳуқуқий асослари. Мустақилликнинг дастлабки 25 йили давомида соҳада ўзига хос ҳуқуқий бўшлиқ сақланиб қолди. Бутун тизимнинг мақомини, ваколатларини ва энг асосийси, махсус воситалар ҳамда қурол қўллаш тартибини мукамал тартибга солувчи яхлит "Ички ишлар органлари тўғрисида"ги қонун қабул қилинмаган эди⁷. Куч ишлатиш амалиёти Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Жиноят ва Жиноят-процессуал кодекслари (масалан, ушлаб туриш жараёнидаги мажбурлов)⁸, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ҳамда Ички ишлар вазирлигининг ички норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари (махфий ва хизмат доирасидаги буйруқлари ҳамда йўриқномалари) билан тартибга солинган. Ушбу йўриқномаларнинг жамоатчилик учун ёпиқ бўлганлиги фуқаролик жамияти томонидан назорат ўрнатишни мураккаблаштирди.

5-давр: Замонавий ҳуқуқий ривожланиш даври (2016 йил ва ундан кейинги давр)

2016-йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикасида барча соҳаларда бўлгани каби Ички ишлар органлари тизимида ҳам инсон ҳуқуқларини таъминлаш ва очиқликни кафолатлашга қаратилган туб ислохотлар даври бошланди. Айнан шу даврда ички ишлар органлари жазоловчи ва қўрқитувчи тузилмадан аҳолига ўз вақтида ёрдам кўрсатадиган, "Халқ манфаатларига хизмат қилиш"ни ўзининг олий бурчи деб биладиган ижтимоий йўналтирилган профессионал хизматга айлантирилди.

Субъектларнинг ваколат доираси. Ходимларнинг ваколат доираси ягона қонун билан қатъий ва мукамал чегараланди. Эндиликда ҳар қандай ходим ўзига бириктирилган ўқотар қурол ва махсус воситаларни фақатгина хизмат мажбуриятларини бажариш чоғида олиб юришга ва уларни қонунда назарда тутилган конкрет ҳоллардагина қўллаш ҳуқуқига эга эканлиги кафолатланди⁹. Агар Миллий гвардия ёки ички ишлар органи ходими мажбурлов чораларини қонунда белгиланган асослар ва тартиб бўйича амалга оширса, у жисмоний ва

⁷ 11. 1991–2016 yillarda o'zbekiston prokuraturasining huquqiy asoslari va kadrlar siyosati - inLibrary, дата последнего обращения: июня 9, 2026, <https://inlibrary.uz/index.php/yoitj/article/download/62494/63034/79393>

⁸ 12. ICHKI ISHLAR ORGANLARIDA BOSHQARUV QARORLARINI TASHKIL ETISH VA UNING AHAMIYATI - КиберЛенинка, дата последнего обращения: июня 9, 2026, <https://cyberleninka.ru/article/n/ichki-ishlar-organlarida-boshqaruv-qarorlarini-tashkil-etish-va-uning-ahamiyati>

⁹ Ўзбекистон Республикасининг "Ички ишлар органлари тўғрисида"ги ЎРҚ-407-сонли қонуни <https://lex.uz/docs/-3027843?ONDATE=14.04.2026&ONDATE2=05.09.2019&action=compare>

юримдик шахсларга етказилган зарар учун жавобгар бўлмаслиги, яъни ходимнинг ҳуқуқий ҳимояси ҳам қонуний мустаҳкамланди¹⁰.

Норматив ва ҳуқуқий асослари. Мазкур даврнинг энг катта тарихий ва юримдик ютуғи – бу 2016-йил 16-сентябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги ЎРҚ-407-сонли Қонунидир. Қонуннинг махсус 5-боби тўлиқлигича “Ички ишлар органлари ходимлари томонидан жисмоний куч ишлатиш, махсус воситаларни ва ўқотар қуролни қўллаш”га бағишланди¹¹. Ушбу боб:

21-модда (Жимоний куч ишлатиш, махсус воситаларни ва ўқотар қуролни қўллаш шартлари);

22-модда (Жисмоний куч ишлатиш);

23-модда (Махсус воситаларни қўллаш);

24-модда (Ўқотар қуролни қўллаш)дан иборат бўлиб, давлат мажбурулов аппаратининг ҳуқуқий чегараларини энг олий парламент даражасида кодификация қилди.

Ўзбекистон худудида қадимги даврлардан то бугунги кунга қадар давлатнинг хавфсизликни таъминловчи органлари томонидан жисмоний куч ишлатиш, махсус воситалар ва ўқотар қуролларни қўллаш институтининг ретроспектив ва тизимли таҳлили шуни яққол кўрсатадики, мазкур монопол институт ҳеч қачон статик ҳолатда бўлмаган, балки давлатнинг сиёсий тузуми, иқтисодий салоҳияти ва энг асосийси, мафкуравий қарашларига мутаносиб равишда узлуксиз ўзгариб келган.

Биринчи босқичда (Авесто даври) мажбурулов чоралари диний-сақрал моҳият касб этиб, зўравонлик ёвузликка қарши илоҳий кураш сифатида талқин қилинган бўлса-да, айнан шу даврда инсоният тарихида илк бор жиноят ва унга бериладиган жазо ўртасидаги мутаносиблик тамойилининг куртақлари шаклланганлиги диққатга сазовордир.

Иккинчи босқич, яъни ўрта асрлар ва хонликлар даврида шакллантирилган шихна, муҳтасиб ва миршаблик институтлари давлат ҳокимиятини марказлаштириш ҳамда исломий ахлоқ нормаларини сақлашда муҳим ўрин тутди. Бироқ бу даврда мустақил, кодификация қилинган қонунчилик базасининг йўқлиги сабабли, куч ишлатиш амалиёти тўлиқлигича диний фатволар ва ҳукмдорларнинг чекланмаган иродасига тобе эди. Бу эса соҳада тизимли бошбошдоқлик ва ижтимоий тенгсизликни келтириб чиқарган.

Учинчи босқич – Чор Россияси ва Собик Иттифоқ даврлари мажбурулов аппаратининг халқ манфаатларига эмас, балки мустамлакачилик ва тоталитар-коммунистик мафкурага хизмат қилган оғир тарихий даври сифатида баҳоланади. Бу даврда полиция ва милиция органлари халқни ҳимоя қилувчи ижтимоий тузилмага эмас, аксинча, миллий-озодлик ҳаракатларини бостирувчи, “синфий душманлар”ни йўқ қилувчи ҳарбийлашган жазо аппаратига

¹⁰ O'RQ-647 18.11.2020 - Jamoat xavfsizligi universiteti, data poslednego obrasheniya: iyunya 9, 2026, <https://mgjxu.uz/uploads/pages/Markazlar/ARM/docs/O%E2%80%98RQ-647%2018.11.2020.pdf>

¹¹ Ўзбекистон Республикасининг “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги ЎРҚ-407-сонли қонуни <https://lex.uz/docs/-3027843?ONDATE=18.03.2017%2000>

айлантирилди. Бунинг оқибатида инсонпарварлик, тенглик ва мутаносиблик тамойиллари тизимли равишда давлат сиёсати даражасида оёқости қилинди.

Тўртинчи босқич, яъни мустақилликнинг дастлабки чорак асрлик даврида тизим ўзининг миллий ва демократик қиёфасини топиш, давлат суверенитетини уюшган жиноятчилик ва терроризм каби янги глобал таҳдидлардан ҳимоя қилишга эришди. Шунга қарамай, соҳани тартибга солувчи махсус, очиқ қонуннинг йўқлиги ва амалиётнинг асосан ёпиқ идоравий йўриқномалар ҳамда Жиноят-процессуал кодекси доирасида олиб борилганлиги жамоатчилик назоратининг етарли даражада бўлмаслигига олиб келди.

Бешинчи босқич, замонавий ҳуқуқий ривожланиш даврига келиб вазият тубдан ўзгарди. 2016 йилда "Ички ишлар органлари тўғрисида"ги ЎРҚ-407-сонли қонуннинг қабул қилиниши мажбурлов институти тарихидаги энг муҳим бурилиш нуқтасига айланд. Ушбу қонуннинг 5-боби жисмоний куч, махсус восита ва ўқотар қурол қўллашнинг ҳуқуқий чегараларини, мутаносиблик мезонларини халқаро стандартлар даражасида кодификация қилди. Айниқса, 22-моддадаги "Агар куч ишлатилмайдиган усуллар ички ишлар органи ходимининг зиммасига юклатилган мажбуриятларнинг бажарилишини таъминламаса" деган қатъий юридик формула орқали ички ишлар органлари ходимларининг зўравонлик "мутлақ зарурат" ва "энг сўнгги чора" мақомига келтирилди.

Бироқ, мамлакатимиз тамаддунининг барча даврларида жисмоний куч ишлатиш, махсус воситаларни ёки ўқотар қуролни қўллашнинг ҳуқуқий асослари, мустаҳкам ва шаффоф тарзда яратилмаганини кўриш мумкин. Хусусан, энг ривожланган ва такомиллашган ҳозирги 5-даврдан ҳам ички ишлар органлари томонидан мазкур чеклаш чораларининг аниқ мезонлари барча учун очиқ бўлган ҳуқуқий манбалар билан белгиланмасдан, ИИВнинг ички идоравий-ҳуқуқий ҳужжатлари билан белгилаб қўйилмоқда.

Шу муносабат билан, ретроспектив таҳлилар асосида миллий қонунчилигимизни такомиллаштиришга қаратилган қуйидаги тартибни амалга киритиш мақсадга мувофиқ:

Ички ишлар органлари фаолиятида жисмоний куч ишлатиш, махсус воситаларни ва ўқотар қуролни қўллашга доир барча асосий талаблар, шартлар ва кўрсатмаларни тўлиқ шаффофлаштириш ҳамда уларни очиқ қонун ҳужжатлари даражасида мустаҳкамлаш лозим.

Бунда, мажбурлов чораларини қўллашнинг ҳуқуқий ва ижтимоий мезонлари ҳамма учун очиқ бўлиши, фақатгина бевосита ўзига хос *тактик* усулларни, *курашнинг жанг элементларини* ҳамда *махсус операцияларни ўтказиш тафсилотларини* ўзида жамловчи, ошкор қилиниши хизмат хавфсизлигига путур етказиши мумкин бўлган нормаларнигина "Махфий" ёки "Хизмат доирасида фойдаланиш учун" (ХДФУ) грифи остида қолдириш мақсадга мувофиқдир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Авеста: Историко-литературный памятник [Текст] / Пер. с авест. И. М. Стеблин-Каменского. – СПб.: Наука, 2007. – 203 с. – Электрон ҳавола: <http://kronk.spb.ru/library/1993-m-avesta.htm>

2. Ртвеладзе Э. В. Цивилизации, государства, культуры Центральной Азии [Текст]. – Ташкент: УМЭД, 2005. – С. 85-88.
<https://protobulgarians.com/Russian%20translations/Rtveladze%20E.pdf>
 3. Видевдат // Zoroastrian.ru: [Электрон ресурс]. – URL: <https://www.zoroastrian.ru/avesta/videvdat>
(мурожаат санаси: 09.06.2026).
 4. Сулаймонова Ф. Шарқ ва Ғарб [Матн]. – Тошкент: Ўзбекистон нашриёти, 1997. – С. 102-105.
 5. Одилқориев Х. Т. Давлат ва ҳуқуқ тарихи [Электрон манба]. – Тошкент: Ўзбекистон. – 174 б. – URL: <https://www.yumpu.com/xx/document/view/47065227/-x>
 6. ЎзССР Конституция [Электрон манба] // Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг расмий веб-сайти. – URL: <https://constitution.uz/uploads/62410ec6-e3ed-2a4f-42e6-3fd12083b4af.pdf>
 7. 1991–2016 yillarda o'zbekiston prokuraturasining huquqiy asoslari va kadrlar siyosati - inLibrary, дата последнего обращения: июня 9, 2026, <https://inlibrary.uz/index.php/yoitj/article/download/62494/63034/79393>
 8. Ichki ishlar organlarida boshqaruv qarorlarini tashkil etish va uning ahamiyati - КиберЛенинка, дата последнего обращения: июня 9, 2026, <https://cyberleninka.ru/article/n/ichki-ishlar-organlarida-boshqaruv-qarorlarini-tashkil-etish-va-uning-ahamiyati>
 9. Ўзбекистон Республикасининг “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги ЎРҚ-407-сонли қонуни <https://lex.uz/docs/-3027843?ONDATE=14.04.2026&ONDATE2=05.09.2019&action=compare>
 10. Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси тўғрисидаги қонун дата последнего обращения: июня 9, 2026, <https://mgjxu.uz/uploads/pages/Markazlar/ARM/docs/O%E2%80%98RQ-647%2018.11.2020.pdf>
- ¹ Ўзбекистон Республикасининг “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги ЎРҚ-407-сонли қонуни <https://lex.uz/docs/-3027843?ONDATE=18.03.2017%2000>